*• «Тошкент ҳақиқати»нинг давра суҳбати •*

**УМУМХАЛҚ муҳокамасига ҳавола этилган «СССРдаги кооперация тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси беистисно барча совет кишилари эътиборини ўзига жалб этди. Кооператор ва колхозчилар, хўжалик ходими ва иқтисодчилар, юрист ва совет ходимлари, инженер ва олимлар, хуллас, турли ёшдаги ҳамма касб эгалари янги Қонунни зўр қизиқиш ва манфаатдорлик билан ўқиб ўрганмоқдалар. Бу ҳақда «Тошкент ҳақиқати» газетаси редакциясига ҳам турли хатлар келиб турибди. Уларнинг мазмун ва адреслари хилма-хилдир. Айримларида лойиҳанинг у ёки бу моддасига конкрет ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилса, бошқаларида Қонуннинг баъзи моддаларини аниқроқ қилиб шарҳлаб бериш илтимос қилинади.**

**Лойиҳа муҳокамаси юзасидан келаётган хатларнинг характерини ҳисобга олиб, редакция Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг давлат ҳуқуқи ва совет қурилиши сектори ходимлари билан давра суҳбати ўтказди. Суҳбатда иштирок этган сектор мудири, юридик фанлари кандидати А. Ҳ. Саидов, катта илмий ходимлар, юридик фанлари кандидатлари А. Ваҳобов, Ф. Ҳ. Бакаева, илмий ходим, юридик фанлари кандидати Д. М. Қорахўжаев, кичик илмий ходимлар Г. Г. Раҳимшиков, Р. Ю. Юсувалиев, Р. А. Саидовлар янги Қонун лойиҳасини ҳар томонлама чуқур муҳокама қилдилар.**

**Қуйида давра суҳбати тафсилоти билан танишасиз.**

*Кооперация тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қиламиз*

# ТАҚИҚЛАШ УСУЛИДАН — РАҒБАТЛАНТИРИШ ЙЎЛИГА

**А. САИДОВ.** Бутун мамлакат бўйлаб экономикани ва ижтимоий ҳаётни қайта қуришни жадаллаштириш, совет демократиясини чуқурлаштириш жараёни бевосита дахлдор бўлмаган бирорта соҳа қолмаслиги табиийдир. Партия XXVII съезди белгилаб берган кенг кўламли вазифаларни ҳал этиш масаласи кооперативларни ривожлантиришни, уларнинг революцион янгиланишга самарали ҳисса қўшишини талаб қилаётир. Шу сабабли кейинги бир йил ичида кооперативлар жуда тез кўпайди. Чунончи, кооперативларда ишлаётганлар сони 1987 йилнинг бошида республика бўйича 800 киши бўлса, йил охирига келиб 10 минг кишидан ошди.

Аммо вазият шуни тақозо этмоқдаки, бу ишга янада кўпроқ янги кишиларни жалб этавериш керак. Бизда кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини кенгайтириш учун ишчи кучлари етарлидир. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш соҳаларидаги камчиликлар ўрнини кооперативлар ёрдами билан тўлдиришнинг реал имкониятлари бор.

Ҳозирча бизда кооперативлар ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти ўз ҳолича, бошбошдоқлик билан ривожланмоқда. Шунинг учун ҳам улар хилма-хил тўсиқ ва қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Шу муносабат билан кооператив қонунчилик сиёсати жуда муҳим аҳамият касб этади ва у кооперативларнинг бутун имкониятларини ишга солиш ва ривожлантиришга ёрдам беради.

Ҳозирги туб иқтисодий ислоҳот ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини демократиялаш шароитида барча кооперативлар фаолиятини ҳуқуқий белгилаб қўйишнинг объектив зарурати мавжуд эди. Бундан ташқари иқтисодий омиллар ҳам кооперация тўғрисидаги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Кооперация кўп жиҳатдан кооператив аъзоларида янгича иқтисодий фикрлашни қарор топтиришга, ишлаб чиқаришга ҳақиқий хўжайинлик туйғусини уйғотишга, ташаббускорлик ва социалистик ишбилармонликни шакллантиришга даъват этилган. Ҳозирги жадал иқтисодий-социал ривожланиш шароитида бундай хислатлар жуда зарурдир.

Кооперация тўғрисидаги Қонуннинг идеология жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Кооперативларга бериб қўйиладиган имкониятлар инсон омилининг активлашишига, аъзоларнинг ўз иқтисодий ва сиёсий онгларини мустақил равишда оширишга интилишларини кучайтиришга кўмаклашади, кооператив демократияси тўғрисидаги тушунчаларини тиниқлаштиради. Қонун новаторона ва ижодий фаолиятнинг афзалликларини яққол юзага чиқаради, кооператив ўз-ўзини бошқаришнинг янги формаларини қатъий қўллаб-қувватлайди ва бу билан давлат кооператив сиёсатини ривожлантиришда муҳим янги босқич бошланганлигини билдиради.

**Р. САИДОВ.** Қонун лойиҳаси билан танишиш чоғида бир нарса кўзга яққол ташланиб қолди. Бу — **ишлаб чиқариш кооперативлари билан матлубот кооперативларини бир-биридан фарқлаб турадиган аниқ чегараланишнинг йўқлигидир.** Жумладан, 2-моддада савдо хизмати ҳам ишлаб чиқариш, ҳам матлубот кооперациясига оид бандларда тилга олинади.

Кооператив мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги 8-модданинг 4-бандида шундай дейилади: «Кооператив ўзига қарашли барча мол-мулк, шу жумладан асосий воситаларга доир мажбуриятлари юзасидан мустақил равишда жавобгар ҳисобланади... Кооператив аъзолари амалдаги қонунлар ёки кооператив Уставда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари кооператив қарзлари учун жавобгар бўлмайдилар (?!)». **Нега шундай? Кооператив аъзоларидан бошқа ким жавобгар бўлиши керак?**

Лойиҳанинг 10-моддасида «... Кооператив тузиш совет, хўжалик органлари ва бошқа органларнинг қандайдир махсус рухсатномасига боғлиқ бўлмайди», дейилади. Аммо шу билан бир вақтда кооператив тузилаётганда бино ёки жой аранг ундирилади. Лойиҳанинг бош қисмидаёқ «Қонун... кооперативлар хўжалик фаолиятининг шаклларини эркин танлаб олишни гарантиялайди», деб қўйилгани билан **кооператив аъзолари учун маҳаллий ҳокимиятдан бино ёки жой олишлари гарантиялаб қўйилмаган.**

Менимча, 11-модданинг 5-бандида суд маълум фаолият билан шуғулланишни таъқиқлаб қўйган кишиларнинг кооперативга худди шу фаолият тури бўйича аъзо бўлолмаслиги алоҳида таъкидланганлиги мунозаралидир. Бу ерда гап давлат муассасаси ҳақида эмас, балки кишиларнинг фаолият кўрсатиши қонун билан таъқиқлаб қўйилмаган кўнгилли уюшмаси устида кетаётганлигини ҳам унутмаслик керак.

«Кооператив иқтисодий жиҳатдан асосланмаган тарзда нархларнинг оширилишига йўл қўймаслиги керак». **17-модданинг биринчи бандидаги бундай таъқиқловчи хулосага ҳам қўшилиш қийин.** Чунки, нархни бозор — эҳтиёж ва таъминот белгилайди аслида.

Шу модданинг 2-бандида **«Товарлар (иш, хизматлар)га бозорда пайдо бўладиган рақобат маҳсулотнинг арзонлашувига, маҳсулот нархининг пасайишига ёрдам бериши керак», деган умумий гаплар ҳам бор, уни Қонунга киритиш шарт эмас эди.**

**Г. РАҲИМШИКОВ.** Назаримда лойиҳадаги айрим моддаларни янада кенгроқ шарҳлаш, аниқликлар киритиб, тушунарлироқ қилиш кераккa ўхшайди. Мен 27-моддага қуйидаги мазмундаги янги бандни киритишни таклиф этардим: **«Халқ депутатлари Советлари кооперативлар ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини уйғунлаштириб турадиган махсус бўлим (бошқарма) тузишлари мумкин. У ўша территориядаги кооперативлар даромадларидан тушадиган маблағ ҳисобига ишлайди».**

29-модданинг 4-бандидаги «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва халқ контроли комитетлари...» сўзларидан сўнг **«кооперативлар ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини уйғунлаштириб турувчи бўлимлар...»** сўзларини қўшиб қўйиш керак.

**Р. ЮСУВАЛИЕВ.** Ҳисоб-китоб, ҳисобот ва контрол масалаларига бағишланган 29-моддага қуйидаги мазмундаги янги абзацни киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман: **«Кооперативнинг ўз олдига қўйилган вазифани бажариш бўйича фаолияти шу кооперативга хизмат қиладиган матлубот комиссияси томонидан ҳам назорат қилиниши ва текшириб турилиши керак».**

**А. САИДОВ.** Афсуски, кўп йиллар давомида давлат тасарруфида бўлмаган меҳнат турларига шубҳа ва ҳадиксираб қараш биз учун одат бўлиб келди. Кооперацияга иккинчи даражали нарса сифатида қаралиб, унинг кенг имкониятлари шу давргача рўёбга чиқмай қолаверди.

Эндиликда янги Қонун лойиҳаси кооперативларни тузиш ва тарқатиб юбориш, мулк фондлари структураси, даромад ва сарф-харажатлар тартибини, кооператив ишига давлат раҳбарлиги шакл ва усулларини белгилаб беради.

**Ф. БАКАЕВА.** Кооперативларнинг фаолият тури ва территориясига қараб маълум бир иттифоққа ёки бирлашмага уюшишлари хусусидаги ҳуқуқлари лойиҳанинг 14-моддасида мустаҳкамланган. Шу модда билан чуқурроқ танишиш чоғида биз учун муҳимроқ туюлган баъзи фикр-мулоҳазалар ҳам туғилди. Бизнингча, шу модданинг 2-пункти учинчи абзацидаги «... мавжуд резервлар ва имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланиш...» сўзларидан сўнг қуйидаги қоида ҳам киритилса дуруст бўларди: **«кооперативларда экспорт оборотига киритишни мўлжаллаб товарлар ишлаб чиқариш, шунингдек, кооперативларни импорт асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ёки кенг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида чет эл кооператив ташкилотлари ва фирмаларидан товар харид қилиб олиш имкониятларини ўрганиш».**

Бундан ташқари иттифоқ (бирлашма)ларга аъзо бўлган кооперативларнинг ташқи иқтисодий фаолиятларини мувофиқлаштириш, уларнинг экспорт ва импорт бўйича планни бажаришларини таъминлаш, экспортга товар ишлаб чиқаришни кучайтириш ва уларнинг сифатини яхшилашга кўмаклашиш каби ишларни ҳам кооператив иттифоқ (бирлашма)ларининг вазифаларига киритиб қўйиш фойдали кўринади. Шунингдек кооператив иттифоқ (бирлашма)лари ўз аъзоларининг халқаро ва илмий ярмарка ҳамда кўргазмаларда қатнашишларини, чет эл кооперативлари ва фирмалари билан тўғридан-тўғри амалий алоқа қилишларини таъминласалар, зарур бўлиб қолганда ўз мутахассислари ва ходимларини чет элларга юборишларига ёрдам берсалар кооперация ривожи учун жуда фойдали бўларди.

Бу қўшимчаларнинг зарурлиги шундаки, кооператив иттифоқ (бирлашма)лари ўз аъзолари фаолиятини йўналтириб ва мувофиқлаштириб туради, олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун зарур шароитларни яратиб берадилар. Чунончи, Центросоюз яъни СССР Матлубот жамиятлари марказий союзи қардош республикаларнинг матлубот жамиятлари союзини бирлаштиради ва СССР матлубот кооперациясининг маркази ҳисобланади. Худди шунингдек, Ўзбекистон Матлубот жамиятлари союзи («Ўзбекбирлашув») область матлубот жамиятлари союзи ва район матлубот жамиятларини бирлаштиради ҳамда уларнинг ташқи товар оборотини ривожлантиришга кўмаклашади.

Шу модданинг 3-бандида кооперативларнинг иттифоқлари (бирлашмалари) кооперативлар делегатлари (вакиллари)нинг съездларида, йиғилишларида тузилади, дейилади-ю, аммо бу иттифоқ (бирлашма)ларнинг фаолияти қандай ташкилий принципга асосланганлиги ҳақида гапирилмайди. Масаланинг бу томони муҳимлигини ҳисобга олиб 3-пунктдаги учинчи абзацдан сўнг шундай қўшимча киритиш керак:

**«Кооператив иттифоқ (бирлашма)лар фаолиятининг ташкилий тузилиши демократик централизм принципига асосланган бўлиб, у қуйдагича изоҳланади:**

**қуйидан юқоригача барча раҳбар органлари сайланади;**

**кооператив аъзолари ва юқори ташкилотлар олдида вақти-вақти билан ҳисобот бериб турилади:**

**қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади».**

**А. ВАҲОБОВ.** Кооператив ошхона ва кафелардаги санитария ҳолатлари, ҳамда кооператив аъзоларининг шахсий гигиеналарини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, уларда энг оддий санитария ва шахсий гигиена қоидалари ҳам қўпол равишда бузилмоқда. Шунинг учун кооператив фаолиятига давлат раҳбарлигини мустаҳкамлаш мақсадида 27-модданинг 4-бандидаги «ишлаб чиқариш» сўзларидан сўнг **«шахсий»** сўзини ҳам қўшиб қўйиш зарур.

Эътироф этиш керакки, пайчилик усули шаҳар ва қишлоқларда социал-маданий ва маиший объектлар қурилишини жадаллаштиришнинг асосий формаларидан биридир. Демак, 27-модданинг 5-бандидаги «қуришга» сўзидан сўнг **«пайчилик тартибида»** сўзлари; «поликлиникалар» сўзидан кейин эса **«фельдшерлик ва акушерлик пунктлари, болалар боғча-яслилари»** жумласини киритиш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз.

**А. САИДОВ.** Кооперациянинг социалистик моҳияти, унинг социалистик принципи очкўзлик, бойлик орттиришга ружу қилиш, жинояткорона хўжалик юритиш каби иллатларга нисбатан муросасиз эканлиги тўғрисидаги фикрлар Қонунда янада кучайтирилиши керак. Чунончи, 1-моддадаги 1-бандга **кооперация давлат ва жамиятни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида халқ ташаббусини истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигига қарши қаратишда давлат саноати потенциалини йирик иқтисодий вазифаларни ҳал этиш мақсадлари учун бўшатиб беришда ҳал қилувчи роль ўйнашга даъват этилганлиги тўғрисидаги қоида киритилса тўғри бўларди.** Шу билан бирга кооператив тармоқларининг кенгайиши билан эҳтиёжнинг тўлароқ қондирила бориши, аҳолини кооперативларга жалб этишнинг мақбул чегараси, меъёри борлиги ҳам алоҳида уқтирилиши керак.

12-моддага қуйидаги мазмунда янги банд киритиш зарур деб ҳисоблаймиз: **кооперативлар ўз олдларига қўйилган вазифаларни бажаролмай қолган ҳолларда, фойда олиш ўрнига зарар кўраётган тақдирда кооператив билан унинг коллектив аъзолари ўртасидаги муносабат амалдаги қонунларга мувофиқ тартибга солинади.**

**Г. РАҲИМШИКОВ.** Ҳозир кооперативларда кўплаб халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан боғлиқ баъзи муаммолар ҳам юзага келаётир. Жумладан, бу молларни қаерда ва қандай қилиб реализация қилиш масаласи қийинлашяпти. Агар 27-модданинг 2-пункти **«Кооперативларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни реализация қилиш учун халқ депутатлари Советлари ўз қарорлари билан савдо ташкилотлари қошида махсус магазин ёки бўлим очишлари мумкин»** деган изоҳ билан тўлдирилса, бу муаммоларни вақтида ҳал этиб бориш йўллари очилган бўларди.

**Ф. БАКАЕВА.** Мамлакатда юз бераётган демократлаштириш жараёни ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларига, шу жумладан ташқи иқтисодий алоқаларга ҳам дахлдор бўлиб қолди. Экспорт учун товар ишлаб чиқарадиган кўпгина корхоналарнинг фаолиятларини такомиллаштириш, манфаатдорликларини ошириш мақсадларида уларга экспорт-импорт муомалаларини мустақил амалга ошириш ҳуқуқлари бериб қўйилган.

Бундан ташқари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатлар корхона ва ташкилотлари билан тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар бериб қўйилган. Шу муносабат билан 25-модданинг 2-банди биринчи абзацидаги «амалга ошириш» сўзларидан кейин **«кооперация масалаларини ҳал этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кооперация маҳсулотларини экспорт ва импортга етказиб бериш, номенклатураси ва ҳажми юзасидан келишиб олиш учун Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатларнинг тегишли корхона ва ташкилотлари билан бевосита алоқа ўрнатиш»** жумласи киритилиши лозим.

**А. САИДОВ.** Тушаётган даромад (фойда)ни фақат ўз аъзоларига иш ҳақи сифатида тарқатибгина қолмай, бир қисмини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлаётган кооперативларга бироз камайтирилган миқдорда даромад солиғи солиниши керак. Бундай қоида 19-модданинг 2-бандига киритиб қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди. Умуман, фойда кўраётган кооперативларнинг имкониятларини давлат манфаатларига қаратиш воситаси сифатида Қонун лойиҳасининг 3-бобига ихтиёрий асосда марказлаштирилган фонд (банк) ташкил этиш, шунингдек кооперативларга юридик хизмат кўрсатиш тўғрисида алоҳида-алоҳида моддалар киритиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари Қонуннинг 4-бобига ҳам **ижроия комитетлар, қардош республикаларнинг Министрлар Советлари тасарруфида кооператив раҳбарларининг маслаҳатли учрашувлари ва конференцияларини ўтказиб туриш фойдали эканлиги ҳақида ҳам янги модда киритиш зарурати сезилиб турибди.**

**Г. РАҲИМШИКОВ.** 22-модданинг 4-бандига қуйидагиларни киритишни таклиф этаман: **«Агар кооператив иттифоқ (бирлашма)нинг аъзоси бўлса, бу иттифоқ (бирлашма) кооператив раиси ва унинг бошқа раҳбар ходимларига маъмурий жазо беришга ҳақлидир».**

**ДАВРА суҳбати якунида кооперация тўғрисидаги Қонунга қиёслаш мумкин бўладиган бошқа шундай қонун совет қонунчилигида ҳали яратилмаганлиги таъкидланди. Унинг мазмун жиҳатидан, тайёрлаш ва амалда татбиқ этиш жиҳатидан ўзига хослиги шу билан белгиланади. Бир томондан у аслида мамлакат бутун аҳолиси манфаатларини ифодалайди, иккинчи томондан эса, кооператив барча аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Лойиҳада таъқиқлаш усулидан рағбатлантириш ва ижозат этиш («таъқиқланмаган нарсаларнинг ҳаммасига рухсат берилган») усулига ўтишдан иборат замонавий қонунчилик майллари ҳисобга олинган.**

**Кооперация тўғрисидаги Қонун лойиҳаси кодификация қилинган акт бўлиб, кооператив ва унинг аъзолари ҳуқуқий статусларини белгилаб берадиган қоидалар тафсилотидан иборат. Ўзининг юридик моҳияти жиҳатидан бу Қонун нормалари комплекс характерга эгадир.**

**Давра суҳбати ҳисоботини Ўзбекистон ССР ФА фалсафа ва ҳуқуқ институти сектор мудири А. САИДОВ билан «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири А. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлашди.**

*Афғонистон Республикаси апрель инқилобининг 10 йиллигига*

# Ҳамкорлигимизнинг янги босқичи

**Афғонистон республикаси меҳнаткашлари шу кунларда Апрель инқилобининг 10 йиллигини зўр шодуҳуррамлик билан нишонламоқдалар. 1978 йил апрелининг ўша унутилмас кунлари афғон халқининг озодлик, тенглик, социал тараққиёт учун кураш йўлидаги туб бурилиш нуқтаси бўлди.**

Революцияни кенг афғон оммаси қувонч билан қарши олган бўлса, бир ҳовуч зодагонлар унинг йўлига тўсиқ қўйишга, турли хил воситалар билан инқилоб ғалабаларини барбод этишга уриндилар. Уларга халқаро империализм ва реакция ҳар томонлама мадад бериб турди. Мамлакатнинг озодлиги ва мустақиллиги ҳавф остида қолган оғир бир вазиятда Афғонистоннинг қонуний ҳукумати ёрдам сўраб Совет Иттифоқига мурожаат қилди. СССР Афғонистон билан тузилган шартномага мувофиқ ўз интернационал бурчига содиқ қолиб қўшни дўст давлатга ёрдам қўлини чўзди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларига совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида В. И. Ленин асос солган эди. Кейинчалик бу алоқалар янада кенгайди. Инқилобдан сўнг Афғонистонда рўй берган оғир йилларда бу дўстлик жиддий синовдан ўтди.

Қонли тўқнашувлар, революция душманларининг қўпорувчилик ҳаракатлари Афғонистон республикаси халқ хўжалигига жиддий зарар етказди. Шундай шароитда дўстлар ёрдами билан бу ерда янги-янги саноат корхоналари, маданий-маиший муассасалар, турар-жойлар барпо этиляпти. Меҳнаткаш халқ илк бор давлатни бошқаришга кенг жалб қилина бошланди.

Апрель инқилобининг ўн йиллиги арафасида Женевада имзоланган тарихий ҳужжатлар Афғонистон диёрида тинчлик ўрнатиш истиқболларини очиб берди. Бу аҳдномаларга келишишда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Афғонистон республикаси президенти Нажибулло билан Тошкентдаги учрашуви муҳим омил бўлди. Имзоланган ҳужжатлар совет-афғон халқлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тошкент области ва Саманган вилояти ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар ана шундай ҳамкорлик тимсолидир. Ҳозирги пайтда Тошкент области ва Саманган вилоятидаги турдош корхоналар, ташкилот ва муассасалар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик бўйича шартномалар тузилган. Шу шартномага биноан яқинда областимиздан Саманган вилоятига ғишт заводи ускуналари жўнатилди. Завод ишга тушгач, бу ерда турар-жой, маданий-маиший объектлар қурилиши кўлами янада кенгаяди. Мутахассисларимиз вилоят аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш юзасидан ҳам катта ишлар олиб бормоқдалар. Оталиқ ёрдами сифатида радиоузел, поликлиника, темирчилик цехи қуриб берилади. Ўтган йили ишга туширилган тикув цехи учун ҳам машина-ускуналар Тошкент областидан етказиб берилганди. Бу корхона унчалик катта бўлмаса ҳам вилоят ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Унинг фойдаланишга топширилиши билан хотин-қизларни ижтимоий-фойдали меҳнатга кенг жалб қилиш имкониятлари очилди.

Ўзбекларда меҳр икки кўзда деган ажойиб нақл бор. Бир-биримиз билан қанчалик тез кўришиб турсак меҳр шунчалик товланаверади. Шу боисдан ҳам Саманган вилояти ва Тошкент области меҳнаткашлари вакилларининг ўзаро борди-келдилари дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти.

Ўтган йили Тошкент областида Саманган вилоятининг делегациялари меҳмон бўлдилар. Улар республика ва областимиз экономикаси, маданиятининг ривожланиши, ўн иккинчи беш йилликда меҳнаткашлар олдида турган вазифалар билан танишдилар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги тантаналарида иштирок этдилар. Ёшлар ўртасидаги дўстона алоқалар ҳам мустаҳкамланиб бораяпти. Ўтган йил ноябрь ойида областимиз комсомол ташкилотлари афғон болаларига турли ўйинчоқлар, китоблар, дафтар-қаламлар жамланган 100 та посилка жўнатдилар. Шунингдек, афғон болаларининг Тошкент области пионер лагерларида дам олиши ҳам ташкил этиляпти. Бу йил минг нафар афғон ёшлари, шу жумладан саманганлик 200 нафар ўғил-қиз ёзда пионер лагерларимизда дам олишади. Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳар халқ маорифи Бош бошқармаси, шаҳар комсомол комитети Самангандаги болалар уйи, тажриба мактаби, Айбак шаҳридаги марказий бошланғич мактабни ўз оталиқларига олишган.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги байрам қилинаётган кунларда республикамиз пойтахтидаги Юнусобод массивида 300 квадрат метр савдо майдонига эга бўлган «Саманган» магазини очилди. Бу ерда мева ва сабзавотлар, шарбат ва қандолатлар сотилмоқда. Магазинда Афғонистонда ишлаб чиқарилган буюмларни сотиш ҳам йўлга қўйилади.

Маданий алоқалар ҳам тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Афғонистон республикасида Ўзбекистон Давлат филармонияси санъаткорлари гастролларда бўлдилар. Шу йил март ойида Саманганда бўлган архитекторларимиз дўстлик боғи лойиҳасини яратдилар.

Ўзбекистонда, шу жумладан пойтахт областида Апрель инқилобининг ўн йиллиги кенг нишонланяпти. Корхоналар, хўжаликлар, муассаса ва ташкилотларда, ўқув юртларида шонли санага бағишлаб тантанали кечалар, учрашувлар ўтказиляпти.

Совет—Афғон дўстлиги узоқ тарихга, бой анъаналарга эга. Мамлакатларимиз шу жумладан, Тошкент области ва Саманган вилояти ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар шу дўстликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

**Ғ. ОЙХЎЖАЕВ,**
**Тошкент область партия комитетининг инструктори.**



**● Афғонистонда шофёрлик энг жасоратли касблардан бири ҳисобланади. Улар бошқариб бораётган машиналарга инқилоб душманлари неча бор ҳужум қилгани кўпчиликнинг ёдида. Ўз халқига ҳалол хизмат қилаётган ҳайдовчилардан бандитлар қаттиқ ўч олишга, ташиб келтирилаётган озиқ-овқат ва саноат молларини талон-торож қилишга кўп марта уринганлар. Улар қўлида ҳалок бўлган мард ўғлонлар хотирасига шаҳарлараро йўллар бўйида ёдгорликлар ўрнатилган. Суратда: афғон ҳайдовчилари ёдгорлик олдида.**

**В. ДУБИЛ фотоси.**
**(ТАСС фотохроникаси).**

*Тошкент — Саманган*

# ДЎСТЛИК МАЛҲАМИ

Палатага шошилиб кирган Аниса Носирий онасини кўрибоқ қучоғига отилди. Она-бола анчадан бери бир-бирларини кўришмаганди. Шу боисдан бир-бирларини бағирларидан қўйиб юборишмасди. Аниса онаси, акалари ҳақида сўраса, онаси унинг ўқишларини суриштирарди.

Бу афғон оиласининг тақдири юртдошлариникидан кўп ҳам фарқ қилмайди. Аниса ёшлигидаёқ отасидан етим қолди. Гулсум опа бир этак бола билан уйга кирса хотин, кўчага чиқса эркак бўлди.

Савр инқилобининг душманлари оила бошига не-не кулфатларни солмади дейсиз. Анисанинг катта акаси халқ армияси сафида офицер эди. Жанговар операцияларнинг бирида икки оёғидан ажралди.

Лекин Носирийлар оиласида эрк ва ҳурриятга ишонч кучли экан. Ўғилларидан яна бири офицерликни танлади. Ҳозир у инқилоб ғалабаларини ҳимоя қиляпти. Бу оиланинг яна бир аъзоси эса юрист бўлаяпти. Ҳозир у Тожикистон пойтахтида, Душанбе Давлат университети юридик факультетида ўқияпти.

Оиладаги ёлғиз қиз Аниса шифокорлик касбини танлаган. У ўз орзусига эришгунга қадар ҳаётнинг паст-баландини кўп кўрди. Сўнг билим олиш ниятида Тошкент Давлат медицина институтининг тайёрлов факультетига кирди. Ҳозир институт 1-даволаш факультетининг тўртинчи курс талабаси.

— Ҳақиқий дўст оғир синов пайтларида билинар экан, — дейди Аниса Носирий. — Савр инқилобидан кейин совет халқининг асл фарзандлари юртимизни ташқи ва ички душманлардан ҳимоя қилишда кўмакдош бўлдилар. Ҳозир тинч қурилиш даврига кирмоқдамиз. Саманган вилоятида Тошкент областининг ёрдамида корхона, уй-жой, мактаб, шифохоналар қурилмоқда. Энг яхши шифокорлар саманганликларга тиббий ёрдам кўрсатаяптилар. Беморларимиз Тошкент области касалхоналарида даволанаяптилар. Онам ҳам дардига даво излаб бу ерга келди. Сизлар мамлакатимиз учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаб беришда ҳам катта ёрдам кўрсатяпсизлар. Шарқда бир марта туз ичган жойга қирқ марта салом бер, дейишади. Биз совет кишиларининг, шу жумладан, тошкентликларнинг яхшиликларини бир умр унутмаймиз.

Шу кунларда Тошкент область шифохонасида Саманган вилоятидан келган 21 нафар бемор даволанмоқда. Улар орасида собиқ жангчилар, оддий ишчилар, деҳқонлар, болалар бор. Ўн бир ёшли Комила Муҳаммад Ҳошим мактаб ўқувчиси. Врачлар унда туғма юрак хасталигини аниқлашди. Ҳозир даволанмоқда.

— Менинг эса ошқозоним оғрийди, — дейди Бахтар агентлигининг Саманган вилояти бўйича мухбири Ҳабибулло Муҳаммад Амин. — Врачлар сурункали гастрит диагнозини қўйишди. Шифокорларингизга раҳмат, дори-дармонлари, муолажалари билан ўзимни тетик ҳис қиляпман. Касалхона бош врачи Клара Шарифбоева, барча шифокор ва ҳамширалар бизга жуда ҳам меҳрибон.

Афғон журналистининг гапини агроном Ҳабибулло Ҳафизулло ҳам маъқуллади. У Тошкент областидан юборилаётган қишлоқ хўжалиги техникаси, ўғитлар, уруғлик Саманган вилояти деҳқонларига жуда катта мадад бўлаётганлигини айтди.

Бу йилги баҳорни афғон деҳқонлари, айниқса, катта умидлар билан қарши олдилар. Женевада имзоланган ҳужжатлар ниҳоят Афғонистонда ҳам тинчлик ўрнатилишига йўл очди. Бу тинчлик шартномаларида Тошкент руҳи ҳам борлиги, айниқса, ёқимлидир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан Афғонистон республикаси президенти Нажибуллонинг учрашуви дўстлик ва тинчлик шаҳри бўлган Тошкент руҳининг ҳаётийлигини намойиш этди.

Касалхонада даволанаётган Абдужамил Ҳожи Абдуқаюм, Исматулла Неъматулла, Муҳаммад Ҳасан Бўри ва бошқалар ҳам шифокорларимизнинг меҳрибонлигидан мамнундирлар.

**А. НОСИРОВА.**

